

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари диққатига!

Қашқадарьё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ, жамиятнинг шу манзилда жойлашган мажлислар залида 2021 йил 30 июнь куни соат 10-00 да жамият акциядорларининг 2020 йил якуни билан навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 24 июнь ҳолати билан тузилган.

Кун тартиби:

1. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг санақ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.

2. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарувнинг ҳисоботи муҳокамаси.

3. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича миллий аудит стандартлардан ва ҳалқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаларини кўриб чиқиши.

4. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича тафтиш комиссияси хулосасини кўриб чиқиши.

5. «Муборакнефтегазмонтаж» АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил якуни билан ҳисоботини кўриб чиқиши.

6. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқланиши.

7. “Муборакнефтегазмонтаж» АЖнинг 2020 йил якуни билан олинган соф фойдаси тақсимоти тасдиқланиши.

8. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг ижроия органи раҳбарини танлов якунлари асосида 2021 йилга сайлаш (тайинлаш) масаласи кўриб чиқилиши.

9. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг кузатув кенгаши аъзолари таркиби сайланиши.

10. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг тафтиш комиссияси аъзолари таркиби сайланиши.

11. “Муборакнефтегазмонтаж АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларини маъқуллаш.

12. Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

13. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг ижроия органига 2021 йилда тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик вақтида кўйидаги ахборотлар билан танишишингиз мумкин:

- 2020 йил якуни билан йиллик ҳисобот,
- 2020 йил якуни билан аудитор хулосаси ва тафтиш комиссияси хулосаси,
- 2020 йил якуни бўйича ҳисобланган ва тасдиқланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) қиймати борасидаги аудитор хулосаси,

- корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши борасидаги хулоса,

- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар,

- кузатув кенгашининг 2020 йил якуни билан соф фойдаси тақсимоти ва ижроия органи раҳбарини 2021 йилга сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича таклифлари.

E-mail: mngm07@mail.ru, тел.: (+998-97) 300-87-14.

Йиғилишга қатнашувчиларни рўйхатга олиш 30.06.2021 й. соат 09.00 дан соат 10.00 гача давом этади.

Акционерлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгаши.